Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 11 апрель • пайшанба • № 47 (4176)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Халқаро анжуман

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ: Янги босқичнинг устувор вазифалари

**Шу йилнинг 8-10 апрель кунлари Самарқанд яна бир йирик анжуманнинг мезбони бўлди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ХМТнинг Меҳнат соҳаси истиқболи масалалари бўйича глобал комиссиясининг «Порлоқ келажак учун ишлаш» деб номланган маърузаси муҳокамасига бағишланган «Тез ўзгарувчан меҳнат соҳаси: муаммо ва ечимлар» мавзусидаги миллий конференция ҳамда «Трансмиллий корпорацияларга ва ижтимоий сиёсатга тааллуқли принциплар тўғрисидаги учтомонлама декларацияси: касаба уюшмалари учун ҳаракатлар воситаси» мавзусида халқаро семинар бўлиб ўтди.**



### ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида ЎКУФК ташаббуси билан Халқаро меҳнат ташкилоти ташкил топганининг юз йиллиги олдидан ХМТ меҳнат соҳаси истқболи масалалари бўйича глобал комиссиясининг «Порлоқ келажак учун ишлаш» номли маърузаси муҳокама қилинди.

Унда Халқаро меҳнат ташкилоти вакиллари, вазирлик, идоралар, иш берувчи ташкилотлар ва касаба уюшмалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев очди. У мамлакатимизда меҳнат муносабатларида рўй берган туб ўзгаришлар, муносиб меҳнат шароити яратилиши, меҳнат соҳасидаги қонунчиликнинг такомиллашуви ҳамда мажбурий меҳнатга қарши амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (АКТРАВ) директори ўринбосари Анна Бионди, ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича бюроси (АКТРАВ)нинг Европа ва Марказий Осиё сектори мудири Сергеюс Гловацкас, ушбу ташкилотнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бюросининг меҳнаткашлар фаолияти бўйича мутахассиси Гоча Александрия, ХМТнинг «Ўзбекистонда Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури амалга оширилишига кўмаклашиш» лойиҳаси катта техник маслаҳатчиси Антон Хаузен Меҳнат соҳаси истиқболи бўйича глобал комиссиясининг маърузасида истиқболга таъсир кўрсатувчи омиллар, истиқболли ғояларни илгари суриш ва амалга оширишда минтақавий фаолият, мамлакатда муносиб меҳнат дастури доирасида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритди.

Халқаро конференция иштирокчилари меҳнат соҳасидаги муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдилар.

2 ▸




«Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

**«Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»**ги Ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ қоидаларга 28 та янги йўл белгиси киритилди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

Корея Республикаси президенти **Мун Чжэ Ин** Марказий Осиё бўйлаб сафари доирасида **18–21 апрель кунлари** Ўзбекистонга ташриф буюради.

**Президент матбуот хизмати**

* * *

**Амир Темур таваллудининг 683 йиллигига** бағишлаб пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида тантанали тадбир ўтказилди.

**uza.uz**

* * *

Юртимизда буюк ўзбек ёзувчиси **Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги** кенг нишонланмоқда.

**gazeta.uz**

* * *

**Рустам Қиёмов** Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари этиб тайинланди.

**xabar.uz**

* * *

**Фурқат Қамбаров** Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг бош мутахассиси этиб тайинланди.

**uza.uz**

* * *

Шу йилнинг 20–22 сентябрь кунлари пойтахтимизда **дзюдо бўйича Тошкент «Гран-при»**си ўтказилади.

**МОҚ матбуот хизмати**

* * *

Ўзбекистонда интернет орқали авиачипталарни излаш ва банд қилишга мўлжалланган **«Aviasales» хизмати** ишга туширилди.

**gazeta.uz**

* * *

Жорий йилда Нукус ҳамда Хива шаҳарларида Президент мактабларининг қурилиш ишлари бошланган эди. Айни пайтда пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида ҳам **Президент мактаби** қурилмоқда.

**kun.uz**

* * *

Шри-Ланканинг Калутара шаҳрида 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ўртасида шахмат бўйича ўтказилган навбатдаги **Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз 5 та олтин, иккита кумуш ва битта бронза** медални қўлга киритди.

**uza.uz**

*Тошкент вилояти* | Ташаббус рўёби



## Бўкада байрам сайли

Жорий йилнинг 19 март санасида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга оширишга оид йиғилиш бўлиб ўтган ва унда буни амалга ошириш механизмлари, эътибор қаратилиши керак бўлган асосий жиҳатлар атрофлича муҳокама қилинган эди.

Тошкент вилоятининг Бўка туманида ушбу ташаббусни амалга ошириш бўйича ишлар Президент Админстрацияси ходимлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят жамоатчилиги иштирокида бошлаб юборилди.

Қайд этиш жоизки, ушбу ҳаётбахш 5 та ташаббуснинг тажриба-синов тариқасида Бўка туманидан қулоч ёзиши, кейинги қадамларда мана шу жараёнда тўпланган тажриба ва хулосалардан фойдаланилиши, донишманд халқимиз таъбири билан айтганда, етти ўлчаб бир кесишнинг ўзига хос кўринишидир.

3 ▸

*Сурхондарё вилояти* | Репортаж

## Бахшилар навоси авжида

**Бир неча кунки, бахшичилик санъати дарғалари, жаҳоннинг турли бурчакларидан келган санъатсеварлар – бахши, оқин ва жировлар, фольклоршунос олимлар, маданият намояндалари серқуёш Сурхон заминида бемисл мўъжизаларга гувоҳ бўлишди.**






Юртимизнинг ҳар гўшасида бахшичилик санъати ўзига хос йўналишларда ривожланган. Шу боис, Термизда халқаро фестиваль ўтиши белгилангач, қатнашиш истагини билдирганлар кўп бўлди. Натижада саралаш танловлари ўтказилиб, энг моҳир ижрочилар Сурхон воҳасига таклиф қилинди. Шу тариқа танловга қизиқишнинг юқорилигидан фестиваль доирасида яна бир йирик санъат анжумани – Республика бахшилар кўрик-танловини ўтказиш зарурати туғилди.

Термиздаги санъат саройи саҳнасида вилоятлардан сараланган юз нафардан зиёд оқин ва бахши уч кун давомида ўз ижрочилик маҳоратини синовдан ўтказди.

Якунда Хоразм бахшичилиги йўналишида Ирисбой Асқаров биринчи ўринни қўлга киритган бўлса, оқин-жировлар баҳсида навоийлик Талгат жиров Ўринбеков ғолиб чиқди.

Каримбой Отамуродов ҳамда Саламат Аяпов ўз йўналишларида иккинчи бўлишди.

Эгизак ака-укалар Вайс ва Вайсин Жубанов жировлар ўртасида, Муҳаммад Тўрабеков эса Хоразм достончилари орасида учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

Сурхондарё ва Қашқадарё, Самарқанд бахшичилик йўналишида қатнашувчилар сони кўплиги туфайли улар орасидан иккита иккинчи, учта учинчи ўрин эгалари аниқланиб, муносиб рағбатлантирилди. Қашқадарёлик устазода Баҳром бахши Раҳимов (Қодир бахшининг ўғли) ушбу йўналишда ғолиб, Равшан Маматмуродов ва Муродулла Эшбоев иккинчи, Панжи Дўстмуродов, Муродулла Алиқулов ҳамда Ҳамза Холбоев учинчи даражали диплом билан мукофотланди.



2 ▸

Таҳлил

## ЖУРНАЛИСТ: у ҳокимиятга ким?



### МУАММО

Нега хорижий оммавий ахборот воситаларида куннинг энг долзарб воқеаси ва муаммоси ваҳимали сарлавҳаларда берилади-ю, бизнинг матбуотимизда ундай эмас?

Бу андишами, қўрқувми, баодобликми? Ҳолбуки, юртимиздаги демократик ўзгаришлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг фаол бўлишига йўл очиб берган, одамлар ўз дардини қўрқмай айтаётган, энг муҳими, давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи журналистларни журъатга чорлаётган бўлса?..

Албатта, бу саволларга турлича жавоб бериш мумкин. Бироқ, аён ҳақиқат шуки, халқ ичидаги фикр, жамиятда пайдо бўлган муаммони жамоатчиликка, жумладан, ҳокимият раҳбарлари эътиборига асосан журналистлар олиб чиқади.

Мазкур масалага жаҳон демократик матбуоти тажрибаси мисолида ёндашилса, жамиятимиз ривожланишининг навбатдаги босқичида сўз эркинлиги, бу жараён натижасида ижро ҳокимиятидаги раҳбарлар ишларини юритишида пайдо бўладиган тўсиқлар (уларнинг назарида, албатта), шундан келиб чиқадиган эътирозлар, вужудга келадиган танг ҳолатларни табиий жараён сифатида қабул қилиш керак. Бу муаммони ақл билан, қонунга асосан бартараф этишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир.

4 ▸

Мутасаддилар эътиборига!

## ЧЕКЛОВЛАР: иқтисодиётга фойдами ёки зарар?

*мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида холис фикр*

**(Биринчи мақола)**

Мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий сиёсатида узоқ йиллар мобайнида турли чеклов ёки тақиқлар қўлланилди. Бунга эркин валюта конвертацияси мавжуд эмаслиги, нақд пулни банклардан олишга сунъий чеклов ўрнатилгани, фуқароларнинг чегарадош давлатлардан олиб кираётган маҳсулотлари миқдори 10 АҚШ доллари, Ўзбекистондан олиб чиқилаётган чет эл валютаси миқдори эса минг АҚШ долларигача чегаралангани, банклардан кредит олиш, айниқса, чет эл валютасида кредит олиш жиддий муаммога айлангани, кредитлардан фойдаланиш фоизлари кўтарилиб кетгани каби кўплаб мисолларни келтириш мумкин.



3 ▸



◂1

# Бўкада байрам сайли

Даставвал ишчи гуруҳ Бўка туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича фаолият юритаётган секторлардан муайян ҳудудларни танлаб олди. Сўнгра туман ҳокими секторидаги **«Чавлисой» МФЙ;** туман прокурори секторидаги **«Янгиқўрғон» МФЙ;** туман ИИБ бошлиғи секторидаги **«Ровот» МФЙ;** туман солиқ инспекцияси бошлиғи секторидаги **«Бўстон» МФЙ**да бир қанча ўта муҳим ишлар амалга оширилди.

Тумандаги маданият уйлари таъмирланиб, маъданий ва мусиқа тўгараклари, кутубхоналар, кинозал, концерт ва кўчма театр дастурлари фаолияти йўлга қўйилди. Янгидан таъмирланган паркда кичик аттракционлар, китоб дўкони, музқаймоқ кафеси, Wi-Fi спорт ва болалар майдончалари фаолият бошлади.

Ҳудуддаги барча мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари ҳам жорий таъмирланиб, зарур ҳолларда капитал таъмирлаш учун сметалари ишлаб чиқилди ва уларда ҳам спорт майдончалари, кутубхоналар, интернет пунктлари ва компьютер хоналари ташкил этилди. Стадионлар, спорт мактаблари ва тўгараклар объектлари тўлиқ хатловдан ўтказилиб, таъмирлаш ишлари амалга оширилди ҳамда жиҳозланди.

– Бўка тумани ҳудудида истиқомат қилаётган ёшлар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар белгилаб олинди, – деди Тошкент вилоят ҳокимияти матбуот хизмати раҳбари Беҳзод Қобулов. – Жумладан, аёлларни ишга жойлаштириш учун туманда 2 та енгил конструкцияли тикув цехи ишга туширилди.

Мазкур жараёнда тарғибот ишлари, шунингдек, «Битта оила тадбиркор», «Ёшлар келажагимиз», «Китобхонлик акцияси», «Томорқа маданияти» каби дастурларни амалга оширишга кўмаклашилди.



Айниқса, «Китобхонлик акцияси» туман аҳолиси ва меҳмонларида катта таассурот қолдирди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 та муҳим ташаббус кенг миқёсда қўллаб-қувватланмоқда. Мана шу акция доирасида турли вазирлик, идора, муассасалар томонидан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

– Хайрли ишларда Ёзувчилар уюшмаси ҳам фаол қатнашаётир. Тумандаги кўплаб мактаб, МТМ, таълим муассасаларида бўлдик. Ўзимиз учун «Йўл харитаси» ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ, икки минг дона китоб совға қилинди, – дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Нодир Жонузоқов. – Ўйлаймизки, ушбу тадбир туман аҳолиси ёшлари, китоб ихлосмандларининг маънавиятини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳудудларда қишлоқ қиёфасини ўзгартириш, маданият ва маърифат руҳини кўтариш, ватанпарварлик ва шукроналик ҳиссини кучайтириш мақсадида уйларни сувоқ қилиш ва бўяш, тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш, электр энергияси тармоқларини ўрнатиш ва ички йўлларни таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилди. Жумладан, Маданият вазирлиги «Бўстон» маданият маркази биносининг таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига кўмак берди. Марказ атрофи ободонлаштирилиб, 160 ўринли томоша залига янги ўриндиқ ва дераза пардалари ўрнатилиб, 12 та янги мусиқа асбоби олиб келинди.

Хайрли ишлардан Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳам четда қолмади. Агентлик Бўка туманидаги 49 та мактаб ва 7 та касб-ҳунар коллежининг умумий ҳолати ва улардаги кутубхоналар бўйича фотоальбомлар тайёрлади.

«Китоб карвони» лойиҳаси доирасида 18 мингтадан ортиқ нусхадаги китобларнинг совға қилингани туман ёшлари учун чинакам байрамга айланди.

«Ўзпахтасаноат» АЖ «Бўстон» маҳалласида 150 ўринли енгил конструкцияли тикув цехи барпо этиш учун қурилиш материаллари ва конструкцияларни етказиб берди. Айни пайтда қурилиш ишлари авжида.

Эзгу амал, қутлуғ ташаббус туфайли қайтадан чирой очаётган Бўка тумани аҳолиси байрам сайлини кўтаринки руҳда ўтказди.

**Давронбек ОРИПОВ,**
«Ishonch» мухбири.
*Икром ҲАСАНОВ олган суратлар*

# ЧЕКЛОВЛАР: иқтисодиётга фойдами ёки зарар?

*мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида холис фикр*

◂1





Бюджет тушумларини кўпайтириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш шиори остида импорт қилинаётган маҳсулотларга тўланадиган божхона тўловлари ҳам йилдан-йилга асоссиз равишда оширилди. Ички маҳсулотни экспорт қилиш механизми анчагина мушкул бюрократик схемаларга ўтказилди. Шу тариқа маҳсулот олиб кириш, олиб чиқиш, нақд пулни банкдан олиш, сўмни конвертация қилиш, кредит олиш ва уни қайтариш катта муаммога айланди. Асоссиз кўтариб юборилган божхона божлари тўлови ва бюрократик тўсиқларда мажбуран тўланадиган турли тўловлар, йиғимлар импорт ҳамда экспорт маҳсулотлари таннархининг ошиб кетишига олиб келди. Натижада ички бозорда импорт товарлар нархи қўшни давлатларга нисбатан анча кўтарилиб, бу фуқароларнинг тўлов қобилияти тушиб кетишига олиб келди.

Бу ҳолат маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятига ҳам салбий таъсир этди. Чунки импорт қилинган хомашё ва бутловчи қисмлар учун асоссиз кўтариб юборилган божхона тўловларини тўлаш оқибатида улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар таннархи ошиб кетаверди. Шу тарзда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи Қозоғистонда ишлаб чиқарилган худди шундай маҳсулотникидан анча юқори бўлиб, корхоналаримиз Қозоғистон корхоналари билан рақобат қилолмай қолди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон қўшни давлатлар билан узилиб қолган биродарлик ва яхши ҳамкорлик алоқаларини тиклай бошлади. Мавжуд ва янги очилган чегара ўтказиш пунктлари соддалаштирилган иш тартибида фаолият юритишга киришди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларимиз қўшни давлатларга чиқиб, у ердаги бозорлардан халқ истеъмол товарлари, яъни хорижда ишлаб чиқарилган телевизор, чангютгич ва бошқа маиший техникалар, кийим-кечак, маиший кимё воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб, Ўзбекистонга олиб кира бошлашди. Аввалига ҳар бир фуқаро олиб кираётган маҳсулотлар миқдори 2000 АҚШ долларигача белгилаб қўйилди. Тез орада бу ҳолат анча жиддий тус олиб, ички бозордаги маҳсулотлар сотуви ва, табиийки, солиқ ҳамда божхона божлари тушуми кўрсаткичи тушиб кетди. Шу сабабли қўшни давлатлардан фуқаролар олиб кираётган маҳсулотларга яна жиддий чекловлар ўрнатилди.

Ҳар қандай чекловлар фуқароларнинг норозилиги, турли коррупцион ва бошқа ноқонуний йўлларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Тажрибадан маълумки, бундай чекловлар айланма йўллар орқали товарлар контрабандасининг йўлга қўйилиши, божхона ва чегара қўшинлари ходимларининг пора эвазига товарларни ноқонуний киритиш схемаларини излаб топиши, оқибатда божларнинг тўлақонли тўланмаслиги ва давлат бюджетининг катта миқдорда зарар кўришига олиб келган.

Шу ўринда савол туғилади: халқ истеъмоли молларини Ўзбекистонга олиб киришни чеклаш ягона чорами ёки бошқа тадбирлар билан фуқароларни бу йўлдан қайтариш имкони борми? Бу ерда давлат бюджети ва фуқароларга зиён етказмайдиган, аксинча, ҳар иккисига ҳам фойдали бўлган жиҳатларни назарда тутяпмиз.

Ушбу саволларга қиёсий мисол орқали жавоб топишга ҳаракат қиламиз. Мисол учун, ўзбекистонлик тадбиркор ва қозоғистонлик тадбиркор новвойхона қуриб, ижарага берди. Кўпроқ даромад олиш мақсадида бизнинг тадбиркор ижара ҳақини (божхона божлари, солиқлар) жуда юқори қилиб қўйди. Қозоғистонлик эса бу миқдорни бошқа қўшнилар (Тожикистон, Қирғизистон, Россия) каби ўртамиёна қилиб белгилади. Новвойлар, яъни тадбиркорлар нон (маҳсулот) тайёрлаб сота бошлади. Аммо ўзбекистонлик тадбиркор новвойлар маҳсулотларини қўшни новвойлар каби 1000 сўм эмас, балки 1500 сўм қилиб белгилашига тўғри келади. Негаки, бизда ижара ҳақи жуда юқори бўлиб, шу нархда сотмаса, фойда бўлмайди. Табиийки, қўшни новвойларнинг арзон нонига харидор кўп. Ҳаттоки, сизнинг (Ўзбекистоннинг) тақиқига қарамай, оила аъзоларингиз (фуқаролар) ҳам арзон маҳсулотни сотиб олишга (контрабанда йўли билан бўлса ҳам) ҳаракат қилади. Оқибатда новвойларингиз маҳсулотини сотолмасдан, ишини тўхтатишга мажбур бўлади. Сиз эса новвойхонадан тушадиган даромаддан (божлар ва солиқлардан) маҳрум бўласиз.

Икки ярим йилдан ортиқ давр мобайнида Президентимиз барча ҳокимлар, вазирлар, қўмиталар раислари, элчилар ва давлат идораларининг бошқа раҳбарларига чет эл инвесторларини Ўзбекистонга жалб қилиш, экспортбоп сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар яратишни талаб қилиб келмоқда. Президент талаби қай даражада бажарилаётгани бу – алоҳида мавзу.

Шуни таъкидлаш жоизки, чет эл инвесторларини жалб қилиш учун ҳар қандай давлатда, энг аввало, яхши даромад олиш имкониятлари ва мулк дахлсизлиги кафолатланган жозибадор инвестицион муҳит яратилиши лозим. Бунинг учун эса қуйидаги омиллар зарур:

– Ички бозорнинг юқори потенциали (солиқ ва бож ставкаларини такомиллаштириб, халқ истеъмоли молларининг ички бозордаги нарх-навоси тушишига эришиш, ишчи-хизматчилар иш ҳақларини ошириш чораларини кўриб, аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш ва шу орқали ушбу потенциални янада кўтариш имкониятлари мавжуд);

– Даромад меъёрининг юқорилиги (солиқ ва бож ставкаларини такомиллаштириш, логистикани йўлга қўйиш орқали ушбу меъёр оширилиши мумкин);

– Рақобатнинг паст даражада экани (Ўзбекистонда рақобат паст даражада. Монополист корхоналарга берилган имтиёзлар ва давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар тўлиқ бекор қилиниши лозим). Президентимиз бир чиқишида худди шу фикрни илгари сурган эди:

– Солиқ тизимининг барқарорлиги (бунга самарали ва илғор янги солиқ тизимини ишлаб чиқиб, татбиқ этиш, солиқ идоралари фаолиятини такомиллаштириш орқали эришилади);

– Ресурсларнинг арзонлиги (хомашё, ишчи-ходимлар ва маҳсулот) (Ўзбекистонда ишчи кучи арзон. Солиқ, бож ставкаларини ва молия-банк тизимини такомиллаштириш хомашё ва маҳсулот таннархининг тушишини таъминлайди);

– Давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлашнинг таъминланиши (тегишли қонунларни ишлаб чиқиш, давлат идоралари фаолиятини такомиллаштириш, адолатли суд тизимини йўлга қўйиш орқали эришилади).

Кўриниб турганидек, жозибадор инвестицион муҳит яратиш омилларида оптимал солиқ ва бож ставкалари тизимини яратиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Импорт қилинаётган товарларнинг божхона тўловлари, ҳеч бўлмаганда, қўшни давлатларники даражасига туширилиши қуйидаги натижаларга олиб келади:

– ички бозорда халқ истеъмоли молларининг нархи кескин тушади. Бу ҳолат эса фуқароларимизнинг тўлов қобилияти ошишига олиб келади. Демак, улар шу миқдордаги иш ҳақларига ўз эҳтиёжларини кўпроқ қондира олади;

– хомашё ва бутловчи қисмларни импорт қилишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар божхона тўловларини камроқ тўласа, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар таннархи тушади ва ички бозорда соғлом рақобат ривожланади. Бу эса сифатли ва экспортбоп товарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилишига, ички бозорнинг арзон нархдаги маҳсулотлар билан таъминланишига олиб келади, шунингдек, сифатли маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятлари ҳам яратилади.

– корхоналар легал даромадларининг ошиши, улар томонидан ишчи-ходимларга тўланадиган маошларнинг ҳам оширилишига сабаб бўлади (Бу, ўз навбатида, фуқаролар тўлов қобилиятининг янада кўтарилишига олиб келади). Бундан ташқари, даромадлари ошиши ҳисобига корхоналар кенгайиб, янги иш ўринлари яратилади;

– қўшни давлатлардан айланма йўллар орқали халқ истеъмоли моллари, хомашё ва бутловчи қисмларнинг юртимизга ноқонуний олиб кирилишига эҳтиёж йўқолади;

– экспорт ва импорт амалиётларида коррупцияга сабаб бўлувчи омилларнинг барҳам топиши божхона божларининг тўлиқ тўланиши ва давлат бюджети тушумлари миқдорининг кескин ошишига олиб келади.



**Абдураҳмон ҲАМИДОВ,**
*ҳуқуқшунос*

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси меҳнат фахрийси

**Олег ТОЖИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Муҳокама

**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.**

# Вазифалар белгилаб олинди

Унда тармоқ касаба уюшмасининг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишлари атрофлича таҳлил этилди. Нодавлат сектордаги корхона, ташкилот ва муассасаларда касаба уюшма ташкилотларини тузиш, бу орқали уларда меҳнат қилаётган ходимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси соҳасидаги профилактика ишларини кучайтириш, касаба уюшмалари тизимида жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишларидаги вазифалар йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Амалда бўлган жамоа келишувлари ва шартномалари ижтимоий таркибий қисмининг сезиларли даражада кучайтирилиши натижасида мазкур локал ҳужжатлар орқали ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун қўшимча имтиёзлар кўлами ва ижтимоий ҳимоя тадбирларига йўналтирилаётган маблағ миқдорининг йилдан-йилга ортиб бораётгани қайд этилди.

Йиғилишда меҳнат муносабатлари соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда касаба уюшмаларининг иштироки, ижтимоий шериклик, бандлик, иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя, ёшлар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу борада касаба уюшмалари олдида турган галдаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Раёсатда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳайё ХОЛБОЕВА,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси

*Тошкент шаҳри*

Анжуман

# Аёллар ҳуқуқлари кафолати

**Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Хотин-қизлар комиссияси тизимдаги вазирлик, идора ва компаниялар ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган йирик бошланғич касаба уюшма ташкилотлари хотин-қизлари учун ўқув-анжуман ташкил этди.**

Хотин-қизларнинг маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга бағишланган тадбирда малакали мутахассислар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенциянинг мазмун-моҳиятини очиб берди.

Унда гендер тенглик, бу атаманинг мазмуни ҳамда унинг тамойилларига амал қилиш кундалик ҳаётда, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ижобий натижаларга эришишда муҳим омил бўлаётгани қайд этилди.

Йиғилишда жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари ҳақида ҳам сўз борди. Бу борада касаба уюшмалари амалга оширган ишлар таҳлил этилди ҳамда келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир давомида ишловчи аёллар учун психолог маслаҳатлари ва тавсияларидан ўрин олган машғулотлар ўтказилди.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
«Ishonch» мухбири



*Икром ҲАСАНОВ олган сурат*

## Диққат, танлов!

# «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси»

*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Касб-ҳунар таълими маркази бир қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшларнинг халқаро стандартлар асосида касблар эгаллаши, касбий маҳоратини оширишга кенг имконият яратиш, қобилиятлиларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси» танловини ўтказади.*

*Танловда «Компьютер ва компьютер жиҳозларини ишлатиш ва дастурий таъминоти бўйича техник», «Автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш чилангари», «Умумқурилиш ишлари устаси», «Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси», «Ортопедик стоматология техниги», «Ошпаз», «Сартарошлик ва декоратив косметика устаси», «Ҳаво кемалари ва авиадвигателларини техник ишлатиш бўйича авиация техниги», «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларига хизмат кўрсатиш механиги», «Суғурта агенти», «Бухгалтер», «Нефть ва газни қайта ишлаш машина ва жиҳозлари механиги», «Кимёвий таҳлил лаборанти», «Электромонтёр», «Рассом», «Темир йўл вагонларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш механиги», «Кон ишлари бўйича уста» номинациялари бўйича 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган ходимлар ҳамда касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этишлари мумкин.*

*Танловда қатнашиш истагида бўлганлар танлов номинацияси номи кўрсатилган ҳолда ўзи истиқомат қиладиган туман (шаҳар) касаба уюшмаси кенгашига (ташкилий қўмита) тегишли ҳужжатларни жорий йилнинг 20 апрелига қадар тақдим қилиши керак.*

*Касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ҳужжатларни ўзлари таҳсил олаётган ўқув муассасаси қошидаги комиссияга топширишни тавсия этилади.*

*Танлов уч босқичда, яъни туман (шаҳар), корхоналарда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда республика тармоқлари миқёсида ўтказилади. Ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.*

**Танлов тўғрисида батафсил маълумотлар билан Касаба уюшмалари Федерациясининг интернет тармоғидаги www.kasaba.uz портали орқали танишишингиз ёки Касаба уюшмалари Федерациясининг (71) 256-76-57, 252-78-39, 252-21-19 телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.**

# ЖУРНАЛИСТ: у ҳокимиятга ким?



◂1

### НИМА УЧУН ТАДҚИҚ ЭТИЛГАН?

Оммавий ахборот воситалари фаолиятига шароит яратиб берган демократик мамлакатлар бугунги кунда ижтимоий масъулият назарияси (баъзи мутахассислар ижтимоий жавобгарлик назарияси деб таржима қилишмоқда) асосида иш юритади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган демократик сиёсат айнан шу назарияни амалга оширишни кўзлаган. Акс ҳолда давлат ва жамият олдига қўйилган вазифалар тўлиқ ҳамда сифатли бажарилмайди.

Бу фикрларни асослаш мақсадида, аввало, Ғарб олимлари дунё журналистикасини тўрт назарияга ажратганини таъкидлаш жоиз. Булар авторитар, либертариан, ижтимоий масъулият ва совет тоталитар назарияларидир. Уларнинг қисқача мазмуни қуйидагича.

Авторитар назария XVI-XVII асрларда Англияда кенг тарқалган ва ҳанузгача жорий этилмоқда. Қирол, унинг ҳукумати ёки иккала ҳокимиятнинг мутлақ ҳукмронлиги унинг асоси ҳисобланади. Амалдаги ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ва унинг сиёсатини юргизиш ҳамда давлатга хизмат қилиш мазкур назариянинг бош мақсадидир. Қиролнинг патенти ва шу каби рухсатнома олган ҳар ким ОАВдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Матбуот ҳукумат патентлари, гилдиялар, лицензиялаш, баъзан цензура орқали назорат қилинади. Сиёсий машина ва амалдорларни танқид қилиш тақиқланган. Мулк тури хусусий ёки ижтимоий бўлиши мумкин. ОАВ ҳукумат мулки бўлиши шарт эмас, лекин давлат сиёсатини юргизишга хизмат қилади. Бошқа назариялардан сезиларли фарқи шунда.

Либертариан назария 1688 йилдан кейин Англияда ва АҚШда қабул қилинган. Рационализм ҳамда табиий ҳуқуқларнинг умумий фалсафаси асосида ишлаб чиқилган. Ахборот бериш, кўнгил ёзиш, пул топиш, лекин асосан ҳақиқатни топиш ва ҳукуматни назорат қилишга ёрдамлашиш унинг бош мақсади. Маблағи бўлган ҳар бир киши ОАВ ташкил этиш ҳуқуқига эга. «Ғояларнинг озод бозори»да «ҳақиқатга қайтиш жараёни» судлар воситасида назорат қилинади. Туҳмат, ахлоқсизлик, ношоён хатти-ҳаракат, ҳарбий вазиятда ҳукуматга қарши тарғибот тақиқланади. Бунда мулк тури асосан хусусий. Бошқа назариялардан ҳукуматни назорат қилиш ва жамиятнинг бошқа эҳтиёжларини қондириш воситаси экани билан фарқланади.



Ижтимоий масъулият назарияси XX асрда АҚШда бошланган. Назариянинг асоси матбуот ва амалдаги журналистлар озодлиги комиссияси, ОАВнинг ахлоқ кодекслари ҳисобланади. Бош мақсад ахборот бериш, кўнгил ёзиш, пул топиш, лекин асосан муаммони муҳокамага олиб чиқишдан иборат. Айтадиган гапи бор ҳар бир киши ОАВдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Жамоатчилик фикри, истеъмолчилар ҳаракати, касб ахлоқи ёрдамида ОАВ назорат қилинади. Инсон ҳуқуқлари ва ҳаётий зарур ижтимоий манфаатларга жиддий халақит бериш тақиқланади. Мулк тури эса, агар ҳукумат жамият манфаатларини таъминлашни ўз қўлига олишга мажбур бўлмаса, хусусийдир. Бошқа назариялардан сезиларли фарқлари: ОАВ ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олиши керак, акс ҳолда, уларни кимдир шундай бўлишга мажбур этиши лозим.

Совет тоталитар назарияси собиқ Совет Иттифоқида, шунингдек, айрим элементлари нацистлар ва италияликлар томонидан амалиётга татбиқ этилган. Маркс-Ленин-Сталин таълимотининг Гегел ва XIX аср рус фалсафаси билан қоришмаси унинг асосини ташкил этади. Бош мақсади – совет социалистик системасини, хусусан, партия диктатурасини қўллаб-қувватлаш, ютуғига ёрдам бериш. Партиянинг содиқ, синалган ҳар бир аъзоси ОАВдан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Махсус назорат ҳамда ҳукуматнинг иқтисодий ёки сиёсий ҳаракатлари воситасида назорат қилинади. Партия вазифаларини танқид қилиш тақиқланган. Мулк тури – ижтимоий. ОАВ давлатга қарашли экани, давлатнинг қаттиқ назорат қилиши ва унинг қуроли ҳисобланиши билан бошқа назариялардан фарқланади.

Таъкидлаш ўринлики, Ғарб олимлари ўз юртлари босиб ўтган йўлда қўллаган назарияларини кетма-кетликда («авторитар-либертариан-ижтимоий масъулият») бериб, «йўлдан адашган» (совет тоталитар) назарияни алоҳида кўрсатади.

Уларнинг фикрича, матбуот авторитар назарияда шаклланди, либертариан назарияда ривожланиб, ундан сўнг ижтимоий масъулият назариясига ўтди. Шу биргина гапда жо бўлган эволюцион жараён, яъни авторитардан ижтимоий масъулият назарияси амалигача уларга 300 йил зарур бўлди. Бу назарияларни ҳаётда қўллаш учун Европа давлатлари ва АҚШ нафақат сиёсий, илмий, балки муайян иқтисодий босқичларни босиб ўтди. Бу босқичлар илмда маълум ва машҳур бўлгани боис қисқача изоҳлаймиз.

Аграр жамият (аграр иқтисодиёт) – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш босқичи бўлиб, унда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар етакчилик қилади.

Индустриал жамият – саноатлашиш, ишлаб чиқаришнинг машиналашиши, илмий-технологик тараққиёт натижаларининг татбиқ этилиши натижасида шаклланган.

Постиндустриал жамиятда эса юқори ишлаб чиқариш иқтисодиёти, билимлар саноати, ялпи ички маҳсулотнинг катта улуши юқори сифатли ва инновацион хизматларга тўғри келади, шу билан бирга, аҳолининг катта қисми ишлаб чиқаришдан кўра хизматлар доирасида кўпроқ банд бўлади.

XX асргача аграр ва индустриал жамият довонларини босиб ўтган давлатларда бугунги постиндустриал жамиятдаги илм-фан, иқтисоднинг ривожланиши унинг матбуот назариясида ҳам катта ўзгаришлар ясаган. Оммавий ахборот воситалари авторитар ва либертариан назариядан ижтимоий масъулият назариясига ўтган жамиятдаги ахборот олиш, тарқатиш, фойдаланиш билан боғлиқ эркинликлар шу йўлни танлаган давлатлар иқтисодига, фаровонлигига хизмат қилган.

### ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИ ҚАНДАЙ ЙЎЛЛАРНИ БОСИБ ЎТДИ?

Ўзбекистонда вақтли матбуотнинг бошланиши, афсуски, XIX асрнинг иккинчи ярми, миллий матбуотнинг бошланиши XX асрнинг илк йилларига, яъни аграр жамиятда кун кўраётган Чор Россияси мустамлакачилик сиёсатини юритган даврга тўғри келади. Табиийки, у пайтда Россияда матбуотнинг авторитар назарияси ҳукм сурарди. Император, халқ тили билан айтганда, Оқпошшо ҳукмронлигидаги ҳукуматни қўллаб-қувватлаш, унинг сиёсатини тарғиб-ташвиқ этиш ҳамда давлатга хизмат қилиш мазкур назариянинг бош мақсади ҳисобланган. Авторитар назариянинг яна бир талаби нашрлар ҳукумат патентлари, гилдиялар, лицензиялаш, баъзан цензура орқали назорат қилинади. Демак, Туркистонда матбуот 1870 – 1917 йилларда чор Россиясининг бир қисми сифатида авторитар назария талаблари асосида фаолият кўрсатди.

Россия императори Николай Романовнинг 1917 йил февралда тахтдан воз кечиши натижасида маълум муддат ҳокимиятни Муваққат ҳукумат бошқаради. Бу даврда таъсис этилган матбуот нашрлари, жумладан, «Ҳуррият», «Нажот», «Улуғ Туркистон» сингари газеталар чоп этган материалларда либертариан назария элементларини кўришимиз мумкин. Лекин жамиятда либертариан назарияга хос сиёсий ҳамда иқтисодий асоснинг йўқлиги унинг муқим қарор топишига монелик қилди.

Большевиклар олиб борган иқтисодий, ижтимоий сиёсат, Ғарб олимлари айтмоқчи, Совет коммунистик матбуот назариясига асос солди. 1918 йилда Қўқонда эълон қилинган Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаган барча нашрлар ёпилди. Ленин даврида ёпилган миллий газеталаримизда фаолият кўрсатган зиёлиларимиз нашрлар раҳбарлигидан четлатилган бўлса-да, уларга большевиклар томонидан қайта номланиб, янгидан иш бошлаган таҳририятларда мухбир ва мусаҳҳиҳ сифатида фаолият кўрсатишга изн берилганди. Сталин даврида эса улар қамоққа олинди, аксари жисман йўқ қилинди.



В.Лениннинг «Матбуот ҳақида»ги декретида «Янги тартиб мустаҳкамлангач, матбуотга бўлган ҳар қандай маъмурий тазйиқлар тўхтатилади, фақат суд олдидаги жавобгарлик доирасида матбуот учун тўлиқ озодлик ўрнатилади» дейилишига қарамай, бу чеклов Совет давлатининг сўнгги кунигача сақланиб қолди. Табиий равишда бу қоидалар ўзбек совет журналистикаси, унинг илми ва таълимида ҳам ўз ҳукмини сурди.

Демак, собиқ Совет Иттифоқи таркибидаги Туркистон (Ўзбекистон)да ҳам матбуот XX асрнинг 20-йилларидан Чор Россияси давридаги авторитар назариядан совет коммунистик матбуот назариясига ўтилди. Совет коммунистик матбуот назариясини эса Ғарб олимлари авторитар назариядан-да мудҳишроқ бўлган фашист нацистлари назариясига менгзайди.

Тўрт назария ҳақидаги тадқиқот муаллифлари XX асрнинг олтмишинчи йилларида матбуотнинг ижтимоий масъулият назарияси ва совет коммунистик матбуот назариясини қиёслар эканлар, фикрларини шундай якунлайди:

*«Совет кузатувчиларининг фикрича, бизнинг ахборот воситаларимиз масъулиятсиз ва анархияга асосланган. Бизга эса советларнинг оммавий ахборот воситалари «илтифотли ўйнаш ҳисобига яшайдиган суюқоёқ хотин»дек кўринади. Советлар биздаги йўналишларнинг кўпхиллиги, очиқлик, чегараланмаган танқид ва фикрлар курашини миллий ҳимоямиздаги ожиз жойлар деб биладилар. Бизнинг назаримизда эса, улар энг кучли томонларимиздир. Келажакдаги бир неча ўнйилликлар кимнинг баҳоси тўғри эканлигини кўрсатади».*

Муаллифлар айтган фурсатда қайси назария ғолиб келганини дунё кўрди. Бироқ совет коммунистик матбуот назарияси етмиш тўрт йил ҳукм сурди. Унга асосланган ОАВ одамлардаги мустақил фикрлашни чегаралади, ҳар бир фуқаро, жумладан, журналистлар шуурига қўрқувни жойлади. Раҳбарларни ҳам «тарбиялади». Бу касаллик уч-тўрт авлодни заҳарлади. Унинг асоратлари эса тезда йўқолмаслигини 27 йилдан буён кўриб, билиб турибмиз.

### ЭРКИНЛИК АСОСИ

Бугун юртимиз озод, дунёда ўз ўрнимизга эгамиз. Тенглар ичра тенг бўлиб, ривожланган давлатлардан кам бўлмасдан яшашни орзу қиляпмиз, шу мақсад сари интиляпмиз. Баён этилган хулосалардан навбатдаги саволлар келиб чиқади: совет коммунистик матбуот назариясидан тўғридан-тўғри (яъни либертариан назариядан сакраб) ижтимоий масъулият назариясига ўтиш мумкинми? Бошқача айтганда, давлат ва жамиятнинг бугунги ҳолатида, яъни қишлоқ хўжалиги (асосан пахта) ортидан кун кўришга мажбур қилинган, эндигина саноатлашишга ҳаракат қилаётган мустақил Ўзбекистон постиндустриал жамиятга қачон ўтиб бўлади? Ўтган чорак асрлик тарихий тажриба иқтисодий асоссиз, юксалишсиз ижтимоий масъулият назариясига ўтиш мушкуллигини кўрсатди. Чунки, ОАВ ўз ахборотини муносиб нархда сота олсагина, ишлаб чиқарувчилар эса маҳсулотлари омборхоналарда тўлиб-тошганидан реклама беришга эҳтиёж сезгандагина у демократия сари ривожланиши мумкин. Бунинг учун ахборот тарқатиш эркинлиги сақланган, ахборот харид қилувчиларнинг молиявий, реклама берувчиларнинг иқтисодий ривожланиш барқарорлиги таъминланган бўлиши керак. ОАВ ҳеч қачон бировнинг ёки ҳокимиятнинг маблағига кўз тикмаслиги зарур, акс ҳолда у мутеликда қолиб кетаверади.

**ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТ НАЗАРИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ҲАЁТИМИЗДА УЧРАЯПТИМИ? МАЗКУР НАЗАРИЯНИНГ БОШ МАҚСАДИ АХБОРОТ БЕРИШ, КЎНГИЛ ЁЗИШ, ПУЛ ТОПИШ, ЛЕКИН АСОСАН МУАММОНИ МУҲОКАМАГА ОЛИБ ЧИҚИШДАН ИБОРАТ. АФСУСКИ, АКСАР МАНСАБДОРЛАР ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ МАҚОЛАНИ УЛАРНИНГ ҒАРАЗЛИ ДУШМАНЛАРИ УЮШТИРГАН, ЁЗГАН ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ. АСЛО УНДАЙ ЭМАСЛИГИНИ, ЯЪНИ ЖУРНАЛИСТЛАР ҲОКИМИЯТГА ОЙНА ТУТАДИГАН ДЎСТ ЭКАНИНИ АНГЛАБ ЕТАДИГАН, ЯНГИ ФИКРНИ ЭШИТА ОЛАДИГАН, ТАНҚИДДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРАДИГАН ФУРСАТ АЛЛАҚАЧОН ЕТДИ.**

Ўзбекистондаги ушбу муаммо бўйича олимларимиз ўз тадқиқотларида ўринли хулосаларини беришган. Унга асосан «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида» қонун лойиҳаси 2002 йилдан буён муҳокама қилинади... Ўз-ўзидан савол туғилади: нега қонундан ҳануз дарак йўқ? Албатта, бунинг сабаблари жуда кўп. Фикримизча, юқорида таъкидланганидек, уларнинг барчасига жавоб давлатнинг иқтисодий ривожи, демократик принципларнинг жамият ҳаётига сингиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилган пайтимизда пайдо бўлган либертариан назария ривожлантирилмади. Бунга балки иқтисодий асоснинг йўқлиги сабаб бўлгандир. Аммо жамиятдаги бу ҳолат матбуотда ахборотни бўғиш иқтисодий депсинишлар моҳияти ҳақидаги ҳақиқий маълумотлар берилмаслигига олиб келди, алалоқибат, коррупциянинг томир отишига, ишлаб чиқаришнинг камайишига сабаб бўлди.

### НАВБАТДАГИ САВОЛ

Хўш, мустақил Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари қандай назария асосида фаолият кўрсатмоқда?

Бу саволга юқоридаги назариялар бўйича жавоб топиш анчайин мушкул. Чунки, бугунги кунда ҳам оммавий ахборот воситаларини чоп этиш учун давлат идорасининг лицензияси керак. Бу авторитар назариянинг бир талаби «яшаётгани»дан далолат беради.

Шу билан бирга, либертариан назария элементлари ҳам бугун ҳаётимизга кириб келаётганига гувоҳ бўляпмиз. Масалан, мазкур назариянинг мақсадини яна бир бор такрорласак, фикримизни далиллайди: «Ахборот бериш, кўнгил ёзиш ва пул топиш, лекин асосан ҳақиқатни топишга ва ҳукуматни назорат қилишга ёрдамлашиш унинг бош мақсадидир». Бугунги ОАВ ахборот беряпти, кўнгил ёзиш учун алоҳида теле ва радио дастурлар мавжуд. Шу билан бирга, улар ҳақиқатни топишга, жамоатчилик назоратини ўрнатишга ҳаракат қиляпти.

Ва ниҳоят, ижтимоий масъулият назарияси элементлари ҳаётимизда учраяптими? Мазкур назариянинг бош мақсади ахборот бериш, кўнгил ёзиш, пул топиш, лекин асосан муаммони муҳокамага олиб чиқишдан иборат. Афсуски, аксар мансабдорлар танқидий-таҳлилий мақолани уларнинг ғаразли душманлари уюштирган, ёзган деб ҳисоблайди. Асло ундай эмаслигини, яъни журналистлар ҳокимиятга ойна тутадиган дўст эканини англаб етадиган, янги фикрни эшита оладиган, танқиддан тўғри хулоса чиқарадиган фурсат аллақачон етди.

Бугунги журналистлар маҳорат ва имконлари доирасида ишга киришди, десак, ёлғон эмас. Оммавий ахборот воситаларидаги сўнгги икки йиллик ҳаракатлар, жамиятда тўпланиб қолган қатор муаммолар, жумладан, ишсизлик, тадбиркорлик ишларига тўсиқлар, қишлоқ ҳудудларидаги оғир аҳвол, қўшни давлатларга ўтиб-қайтишдаги қийинчиликлар, коррупция ва порахўрлик масалаларининг муҳокамага олиб чиқилиши фикримиз далилидир. Камчиликлар ҳам жуда кўп – қонунчиликдаги номукаммаллик, иқтисодий чаласаводлик, ахлоқ меъёрларининг шаклланмаганлиги... Бу муаммоларни бартараф этиш учун, Президентимиз таъбири билан айтганда, журналистлардан «шижоат, профессионал маҳорат, холислик ва чуқур таҳлилий салоҳият талаб этилади».



Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ижтимоий масъулият назариясининг бошқа назариялардан сезиларли фарқи шундаки, «ОАВ ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олиши керак, акс ҳолда, уларни кимдир шундай бўлишга мажбур этиши лозим». Демак, шу «кимдир» ўз тараққиётини ўйлайдиган давлат раҳбарининг ўзи бўлмаса, унинг ўрнини турли «беғараз грант»лар воситасида келадиган, биринчи навбатда, ўз манфаатини ўйлайдиган гегемон давлатларнинг турли «инструктор»лари эгаллаши мумкин. Бундай «кўнгилли»ларнинг фаолиятини дунёнинг ҳозирда нотинч бўлиб турган минтақаларида кўрдик.

Алқисса, жамият, аввало, ўз олдига янги назария кашф этишни эмас, балки қанчалик қийин бўлмасин, миллий ўзига хос қадриятлар (асосан ахлоқий масалалар)ни инобатга олган ҳолда ижтимоий масъулият назариясига ўтишни мақсад қилмоғи зарур. Давлатимиз саноатлашиб, постиндустриал жамиятга ўтгунига қадар ОАВлар учун ажратиладиган беғараз иқтисодий асос яратилиши керак. Бунинг учун юртимизнинг забардаст олимларидан иборат алоҳида комиссия тузилиб, унинг хулосалари умуммиллий муҳокамага олиб чиқилиши, ғоялар қонунларга сингдирилиши, амалда қўлланилиши давримизнинг жуда муҳим вазифасидир. Акс ҳолда, дунё тараққиётининг ортидан «мудом қувиш»да давом этишимизга тўғри келади.



**Ҳалим САИДОВ,**
*филология фанлари номзоди*

---

Таклиф

# «Оналар куни» нишонланса...

## энг азиз айёмлардан бири бўлар эди



**Бундан қирқ йил муқаддам таниқли авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Буюк туйғу» мақоласини ўқиётганимда, қуйидаги мисралар ҳайратимни уйғотганди: «Дунё кезиб кўплаб байрамларда қатнашганман. Мени улар орасида Кубада нишонланган оналар байрами, – Оналар куни жуда ҳаяжонга солди. Гаванадан Сантьяго шаҳрига боришим керак эди. Эрталаб ҳайдовчи келиб, йўлда, албатта, онаси ҳузурида 2-3 соат бўлиши кераклигини айтди: «Бугун Оналар куни». Улар серфарзанд оила экан. Барча фарзандлари онаси ҳузурига табриклаш ва миннатдорлик билдириш учун келишди. Худди шундай бутун мамлакатда фарзандлар оналари ҳузурида тўпланишди.**

Бошқалари оналари қабр тоши устига гул қўйиш учун боришди. Шу кун мамлакат раҳбари Фидель Кастро нутқ сўзлаб, ўз онасини ва адолат, ҳақиқат учун курашган барча оналарни эсга олди. У нутқини шундай якунлади: «Дунёда биз шундай яшашимиз керакки, ҳар бир она ўз фарзанди билан ғурурлансин ва ифтихор билан айтсин: Мен ўғлим билан фахрланаман!»

Мақоланинг хулосаси аниқ: **«Биз ҳам Оналар кунини нишонласак яхши бўларди».**

Доғистон машҳур шоирининг таклифини қабул қилди ва республика миқёсида Оналар куни нишонлана бошланди.

Расул оға бу мавзуга яна 13 йил ўтиб, 1991 йилда «Биз – она дарахтининг новдаларимиз» мақоласида қайтди: *«Мен бу мавзуда аниқ таклиф киритмоқчи эмасман, фақат сўрамоқчиман: «Мамлакатимизда Оналар кунини таъсис этиш вақти келмадими?» Чунки бу мавзуда илгари ҳам ёзганман ва эзгу ғоя жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланганди, лекин расмий доиралар ҳанузгача сукут сақлашмоқда. Тўғри, тақвимий байрамларимиз етарлича... Уларда дабдабабозлик, баландпарвоз гаплар, ташкилий югур-югурлар кўпроғ-у, чинакам меҳр, самимий хурсандчилик, маънавий кенглик етишмайди. Эсимда, Кубада оналарга бағишланган байрам чуқур таассурот қолдирганди. Бир неча йилдан бўён Доғистонда Оналар байрамини нишонлаб келаяпмиз. Бу байрам тобора оммалашиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик инсонийликка тааллуқли байрамларни кўпроқ ёқтиради. Оналар байрамида айнан инсоний бағрикенглик мужассам, унга мафкуравий, диний ва миллатчилик ғоялари бегона. Ишончим комил, Оналар байрамини нишонлаш бизнинг кўп миллатли, кўп тилли халқимизга жуда ярашади».*

Шу мақола чиққандан кейин етти йил ўтиб, Россия Президентининг 1998 йил 30 январдаги Фармонига асосан ноябрь ойининг охирги якшанбаси Оналар куни этиб белгиланди ва ўша йилдан мамлакатда байрам сифатида нишонлана бошланди.

Аслида, бу байрам дастлаб АҚШда нишонланган. АҚШ Президентининг 1914 йилдаги фармонига асосан май ойининг иккинчи якшанбаси Оналар куни деб эълон қилинган. Кейинроқ Австралия, БАА, Баҳрайн, Бельгия, Германия, Гонконг, Дания, Италия, Кипр, Малайзия, Мальта, Мексика, Никарагуа, Покистон, Саудия Арабистони, Сингапур, Украина, Уммон, Финландия, Эстония, Япония, Қатар, Ҳиндистон каби давлатларда ҳам май ойининг иккинчи якшанбаси Оналар куни этиб белгиланган. Қирғизистонда май ойининг учинчи якшанбасида, Польшада 29 майда, Швеция ва Францияда май ойининг охирги якшанбасида, Қозоғистонда сентябрнинг учинчи якшанбасида, Беларусда 14 октябрда, Грузияда 3 мартда, Мисрда 19 мартда, Буюк Британияда мартнинг охирги якшанбасида, Арманистонда 7 апрелда, Испания ва Португалияда май ойининг биринчи якшанбасида, Испания ва Португалияда май ойининг биринчи якшанбасида, Грецияда 9 майда, Филиппинда 10 майда Оналар куни нишонланиб келинмоқда. Йил ўтган сайин Оналар кунини нишонлаётган давлатлар сони ошиб бормоқда.

Машҳур шоир Расул Ҳамзатовнинг тилга олинган икки мақоласини ҳам она тилимизга ўгириб, ўзбек ўқувчиларига тақдим этганим учун бу эзгу мавзуда ортиқча билимдонлик қилмоқчи эмасман. Чунки ҳар қанча уринмай, Расул оға каби фикримни ихчам ифода эта олмайман: **«Мамлакатимизда Оналар кунини таъсис этиш вақти келмадими?»** Лекин ишончим комил, юртимизда Оналар кунини нишонлаш кўп миллатли, кўп тилли халқимизга жуда-жуда ярашган бўларди. Зеро, Онани улуғлаш ўзини дунёга келтирган, тарбиялаган муқаддас инсонни улуғлаш деганидир ва онапарварлик туйғусини ёш авлодлар қалбларига сингдириш йўлидаги бетимсол ибратдир.



**Асрор МЎМИН,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

Навбатчи муҳаррир:
Х. Норбоев
Мусаҳҳиҳ:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – 00:00
Топширилди – 00:50

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 417. 30112 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 3 4 5 6